



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Солиқ муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ибрагимов Бобуршоҳ Боҳодир ўғли

Тошкент молия институти доценти, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ёзишмалар учун электрон почта: bobursohibb@gmail.com

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 19.07.2022

Қабул қилинган вақти: 01.08.2022

Таянч сўз ва иборалар: солиқ муносабатлари, давлат солиқ сиёсати, солиқ тизими, солиқ маъмуриятчилиги, оптимал солиқ сиёсати.

Аннотация

Солиқ муносабатларини тартибга солиш давлат солиқ сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ушбу механизмнинг самарали йўлга қўйилиши мамлакат иқтисодиёти, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай имкониятлар яратади. Тадқиқотчилар фикрича, солиқ маъмуриятчилиги соддалиги Ирландияни Европа иттифоқи давлатлари орасида энг тез ривожланаётган ва инвестицияларни жалб этиш даражаси юқори давлатлар қаторига кириш имкониятини берган. Мақолада муаллиф томонидан илғор хорижий мамлакатлар солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилиги тизими ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган ва унинг мақбул жиҳатларидан Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилигида фойдаланиш тўғрисида таклифлар берилган.

Peculiarities of regulation of tax relations

Ibragimov Boburshoh Bohodir ogli

Tashkent Institute of Finance, Associate-professor, PhD

Corresponding author: email: bobursohibb@gmail.com

ARTICLE INFO

Received: 26.07.2022

Accepted: 01.08.2022

Key words: tax relations, state tax policy, tax system, tax administration, optimal tax policy.

Abstract

Regulation of tax relations is an important direction of the state tax policy. Effective implementation of this mechanism creates favorable opportunities for the country's economy, development of entrepreneurship, and attraction of foreign investments. According to the researchers, the simplicity of the tax administration has made Ireland one of the fastest growing countries in the European Union and one of the countries with a high level of investment attraction. In the article, the author analyzed the specific features of the tax policy and tax administration system of advanced foreign countries and made suggestions on using its optimal aspects in the tax administration of Uzbekistan.

Кириш

Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилиги давлат, жамият ва иқтисодиёт соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларга мос равишда такомиллаштирилмоқда. Мамлакатда солиқ маъмуриятчилиги амалиёти, унинг муаммолари ва

уни такомиллаштириш масалалари бўйича бир қатор олимларнинг тадқиқотлари мавжуд (Б.И.Исроилов, 2013; Б.И.Исроилов, 2006; Б.И.Исроилов, В.В.Ибрагимов, 2015; Б.И.Исроилов, 2018; Б.И.Исроилов, 2016; Ибрагимов Б.Б., 2022; Б.И.Исроилов, 2020).

Лекин хорижий ривожланган давлатларда солиқ

муносабатларини тартибга солиш механизмларини ўрганиш ва улар ижобий тажрибаларидан Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилигида фойдаланиш фойдадан холи эмас, деб ҳисоблаймиз. Шу боис мақола доирасида ўрганилган илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг солиқ сиёсати негизи қуйидаги ўзаро боғлиқ услубиётга асосланиши зарур:

солиқ тушумларидан турли даражадаги бюджетлар даромадларини шакллантириш ва маблағлардан давлат фискал вазифасини бажаришда фойдаланиш;

солиқ механизмидан иқтисодиётни билвосита тартибга солувчи механизм сифатида фойдаланиш.

Тадқиқот методологияси

Мавзуга оид тадқиқотларни олиб бориш ва натижаларни асослаш мақсадида мантиқий фикрлаш, анализ, синтез, таққослаш ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Солиқ назорати ва маъмуриятчилиги масалалари бўйича П.А.Алеткин, С.В.Барулин, В.А.Брызгалов, В.О.Врубловская, В.Г.Гетьман, Е.Ю.Грачева, А.В.Демин, Д.Б.Дмитриева, Е.А.Ермакова, Е.Ю.Жидкова, А.Жураев, М.В.Мильник, М.В.Романовский, В.В.Степаненко, Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, Ш.Тошматов, Қ.Яхъёев, Э.Ф.Гадоев, Ф.И.Мирзаев, А.Т.Маликов каби олимлар тадқиқотлари мавжуд бўлиб, улар ушбу маслада ўз қарашларини билдирган.

А.В.Демин "солиқ маъмуриятчилигининг маъмурий буйруқбозликга асосланган назорат-мажбурий тизимидан мижозларга йўналтирилган хизмат тамойилига асосланган "ўзаро ҳамкорлик" модели ўтиш талаб, низоларни судгача ҳал қилиш, ўзаро ишонч ва ўзаро манфаатли бошқаришга хизмат қилади", деган фикрни билдирган (А. В. Демин, 2016).

Давлат харажатларини умумий миқдори чегараланган ва даромад солиғи юқори бўлганда иқтисодий ўсиши пасайиши, аксинча даромад солиғи нисбий даражада паст ҳамда давлат харажатлари инвестицияга йўналтирилган ҳолатларда иқтисодий ўсиш юқори бўлади, деган хулоса мавжуд (Ли Ж., 1992). Эндоген ўсиш модели асосида иқтисодий ўсиш ва давлат харажатлари ўртасидаги ўзаробоғлиқликни таҳлил қилиш натижасида умумий истеъмол даражасидан хусусий истеъмол даражаси устун бўлган ҳолатларда ўсиш юқори бўлиши ҳам эътироф этилган (Чен Б., 2006).

Иқтисодиёти ривожланган кўпчилик давлатлар солиқ сиёсатлари кейиннинг функциональ молия концепциясига асосланади. Ушбу концепциянинг мақсади солиқ сиёсати бюджет даромадларини шакллантиришга эмас, балки иқтисодиётни тартибга солишга қаратилиши, яъни солиқ маъмуриятчилиги мавжуд меҳнат ресурслар ва капиталдан тўлиқ фойдаланиш ҳамда ички истеъмолни қўллаб-

қувватлаш зарур деган назарияни илгари суради. Ушбу назарий қарашнинг глобал иқтисодиёт ҳолатида ўринлиги тўғрисида ҳозирда мунозарали фикрлар мавжуд. Шу боис ҳам давлат бюджет-солиқ сиёсати, унинг ижросини таъминлаш механизмларини макроиқтисоий ривожланиш билан боғлиқлиги халқаро тажрибалар асосида ўрганилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Таҳлил ва натижалар

Солиқ сиёсати оптимал ҳисобланган ва иқтисодиёти ривожланган давлатларда ҳам солиқ муносабатларини тартибга солишда муаммолар борлиги олимлар ва мутахассилар томонидан эътироф этилади. Солиқ муносабатларини тартибга солишдаги муаммолар келтирилган (Л.В. Попова, И.А. Дрожжина, Б.Г. Маслов, 2008).

Солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш ҳар бир давлатнинг ривожланиш модели асосида ташкил этилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти 11 мамлакатда эса солиқ муносабатларини бошқариш ташкидан жалб этиладиган вакиллардан ҳам иборат таркибдаги расмий Маслаҳат кенгаши томонидан амалга оширилади. Шунингдек, 9 та мамлакатда солиқ муносабатлари Молия вазирлиги таркибида директорат ёки тўғри ва эгри солиқлар учун масъул агентликлар (5 та мамлакатда) томонидан бошқарилади (OECD, 2013).

Россия Федерацияси солиқ маъмуриятчилиги тизимини таҳлиллари натижасида Т.Е.Тотикова жараёнлар содир бўлгандан сўнг ҳуқуқбузарликларини аниқлаш ва солиқ санкцияларини қўллашга қаратилган назорат шаклидаги репрессив хусусиятга эга", деган фикр билдирган (Т.Е.Тотикова, 2016).

Ушу фикрга қўшилиш мумкин, чунки собиқ иттифоқ таркибидаги республикалардан мустақил бўлган давлатларнинг аксарият қисмида солиқ маъмуриятчилиги рессив хусусиятга эга. Ушбу давлатлар солиқ сиёсати ва маъмуриятчилиги давлат манфаатига бўйсундирилган бўлиб, солиқ муносабатлар иштирокчилари барча тизими субъектлари (молия, солиқ, прокуратура, суриштирув-тергов ва суд органлари)нинг асосий мақсад ва вазифалари давлат бюджетига маблағ ундиришга бўйсундирилган. Солиқ тўловчининг манфаати охириги ўринда бўлиб, ноқонуний қарор қабул қилиш ва унинг оқибати учун мансабдор ҳамда масъулмансабдор шахслар жавобгарлиги расмийтачилик хусусиятига эга холос.

Ривожланган давлатларда солиқ маъмуриятчилигини "ўзаро ҳамкорлик" режимида амалга оширилиши солиқ қонунчилиги ижроси ва мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Шундай ҳолатни Ирландияда кузатиш мумкин. Мамлакатнинг ички даромадлар хизмати томонидан солиқ тўловчиларга изчилик, адолатлилик ва махфийлик тамойиллари асосида хизмат кўрсатилади.

Биринчи тамойилда солиқ тўловчиларнинг барча масалаларига изчиллик, адолатлилик ва махфийлик асосида ёндашилишида ўз мазмунини кўрсатади. Иккинчи тамойилнинг асосида солиқ тўловчилар билан мулоқотда хушмуомалалик ва эҳтиёткорлик қўлланилади. Учинчи тамойил маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва солиқ тўловчиларнинг мурожаат қилиш, апелляция шикоят ва маълумотларни қайта текшириш ҳуқуқини кафолатланиши билан характерланади. Ушбу тамойиллар асосида фаолият юритиш ва уларга ёғишмай амал қилиш натижасида Ирландия иқтисодиёти йилдан-йилга ривожланиб бормоқда (Погорлецкий А.И., 2012). Ирландияда ҳар йили иқтисодий ривожланиш даражасини ифодаловчи барча кўрсаткичлар бўйича ўсиш кузатилади, 2021 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) миқдори \$498,56 млрд АҚШ долларини ташкил этди (sularu.com/vvp/IRL). Кўпчилик олимлар Ирландия иқтисодиётидаги ушбу иқтисодий ўсиш кўрсаткичларга эришиш ижобий солиқ маъмуриятчилиги белгиланишининг натижасидир, деб ҳисобламақда.

Ирландия солиқ маъмуриятчилиги асосий шиори “солиқлар, божларни адолатли ва самарали ундириш ҳамда назорат қилиш йўли билан жамиятга хизмат қилиш” ҳисобланади. 2000 йилдан вакиллик зиммасига фуқароларга давлат хизмати бўйича шахсий рақам беришни назорат қилиш вазифаси ҳам юклатилган. 2013 йил 1 июлидан бошлаб вакиллик идоралари маҳаллий кўчмас мулк солиғини ҳам ундириш билан ҳам шуғулландиган бўлди.

Австралия солиқ қонунчилигида солиқ маъмуриятчилигини қуйидаги тўрт тамойиллар асосида ташкил этилишини белгилаб қўйилган: мулоқатларнинг холислиги; солиқ хизмати ходимларининг хатти-ҳаракатларини назорат қилиниши; қабул қилинган қарорлар мазмун-моҳиятини тушунтириш; фаолиятда ҳалоллик ва профессионаллик таъминланишини. Солиқ маъмуриятчилигининг ўзига хос хусусияти солиқ тўловчи солиқ низоси бўйича судга арз қилишдан олдин солиқ мажбуриятини тўлиқ бажарган бўлиши шартлиги билан характерланади. Суд аризани қаноатлантирган ҳолда тўланган солиқ суммаси фоизлар билан бирга солиқ тўловчига қайтарилиши таъминланади (Фарикова, Е. А., 2019).

Буюк Британияда солиқ маъмуриятчили адолатлилик, ўзароҳамкорлик ва тушунарлилик тамойиллари билан бирга солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати тамойилига ҳам асосланади (Линовицкий Ю. А., 2009). Ҳазначилик органи Буюк Британияда солиқ муносабатларини назорат қилувчи ва тартибга солувчи ҳамда мамлакатнинг умумий иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқувчи орган ҳисобланади. Ички даромадлар ва акцизлар ва божларни бошқариш Департаментларидан иборат Солиқ хизмати ташкилоти ҳам Ҳазначилик бошқарув тизимида киритилган. Лекин Ички даромадлар департаменти Ҳазначилик органига бўйсунсада, расман мустақил орган ҳисобланади. Ушбу орган даромад солиғи,

капитал солиғи ва герб йиғими назорати бўйича масъул орган ҳисобланади. Буюк Британияда солиқларни йиғиш харажатлар бошқа ривожланган давлатлардан бир неча баробар кўп бўлиб, унинг миқдори жами даромадларни 2 фоизини ташкил этади.

Солиқ маъмуриятчилигининг ўзароҳамкорлик тизимида солиқ тўловчилар солиқ органи билан битимлар, нархларни белгилаш, фойдани тақсимлаш, инвестиция лойиҳалари, бошқа хўжалик операциялари солиқ оқибатлари улар амалга оширилгунга қадар келишиб олинади. Бундай ҳолатлар солиқ органлари билан шартномалар тузиш ёки индивидуал маслаҳатлар олиш бўйича мурожаатлар асосида амалга оширилади (Т.Е.Тотикова, 2016).

Масалан, Франция, АҚШ, Швецияда солиқ тўловчи солиқ органларидан режалаштирилган битим бўйича юзага келиши мумкин бўлган солиқ оқибатлари бўйича дастлабки хулоса сўраш ҳуқуқига эга. Швецияда солиқ оқибатлари тўғрисидаги дастлабки хулоса бериш махсус солиқ ҳуқуқи комиссияси томонидан берилади.

Франция солиқ маъмуриятчилиги солиқ хизмати органлари томонидан уч даражали тизимга асосланиб амалга оширилади. Биринчи даража Миллий ва халқаро текширувлар бошқармаси, иккинчи даража Солиқ низомларини текшириш бошқармаси ва учинчи даража Миллий солиқ суриштирувлари бошқармаси ҳисобланади. Франция бюджети тушумларининг 40-50 фоизи йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланади. Миллий ва халқаро текширувлар бошқармаси ходимлари солиқ тўловчилар фаолият йўналишлари бўйича ихтисослаштирилади. Ушбу бошқарма ходимлари томонидан ҳар йили молия йилида 50 та йирик банклар фаолияти солиқ текширувларидан ўтказилади. Худудий бошқармалар томонидан 10 млндан 400 млн. еврогача миқдорда айланмага эга солиқ тўловчилар фаолияти текширилади. Қуйи буғин бошқармалар ҳам мавжуд бўлиб, улар 10 млн. евродан кам миқдорда айланмага эга солиқ тўловчилар фаолиятини назорат қиладилар.

АҚШларида солиқ муносабатларини тартибга солувчи орган 1862 йилда ташкил этилган АҚШ ички даромадлар хизмати ҳисобланади. АҚШ солиқ тизими 3 даражали ҳисобланади. Юқори даража бу Ички даромадлар хизмати, ўрта даража Штатлар солиқ хизмати, қуйи даража маҳаллий органлар томонидан жорий этиладиган солиқларни ундириш ва назорат қилиш билан шуғулланадиган маҳаллий солиқ органи ҳисобланади.

АҚШ Ички даромадлар хизмати ташкилий тузилмаси Марказий аппарат, 7 та худудий, 58 та округ бошқармаларидан иборат. Ушбу хизмат солиқлар ўз вақтида тўланиши, солиқ декларацияларини тўғри тўлдирилиши, ортиқча солиқ тўловларини қайтариш ва солиқ тўловчилардан боқиманда қарзлар, жарималарни ундирилишини назорат қилади. Шунингдек, федераль солиқ қонунчилиги ижроси бўйича йўриқномалар чиқаради ва Солиқ Кодекси бажарилишини назорат қилади, судлар ва давлатлараро муносабатларда АҚШ манфаатларини

ҳимоя қилади.

Ички даромадлар хизмати томонидан солиқ декларациялари бўйича шубҳа туғилганда улар назоортдан ўтказилади. Ҳар йили назоратдан ўтказиладиган шубҳали декларациялар сони 1 фоизни ташкил этади. Хизмат томонидан солиқ тўловчи фаолиятининг ҳалоллиги ва декларациянинг ҳаққонийлигига шубҳа туғилган тақдирда, декларация Криминал суриштирув хизматига жўнатилади. Криминал суриштирув хизмати томонидан солиқ тўловчи фаолиятида криминал қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги ёки йўқлиги ўрганилади ва ҳулоса қилинади.

Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш бўлими солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилиги меъёрларини тўғри тушинишига ёрдам беради, ахборот материаллари тайёрлайди ва ҳар йили 100 га яқин соҳалар учун бепул ахборотномалар чоп этади.

Германияда мустақил солиқ хизмати мавжуд эмас, солиқ хизмати федерал ва маҳаллий молия органлари тизимида фаолият кўрсатади. Мамлакат солиқ қонунчилигида белгиланган солиқ маъмуриятчилигида солиқ тўловчиларга индивидуал солиқ тўловлари масалалари бўйича маслаҳат бериш ёки фискал назорат билан боғлиқ ҳақиқий вазиятларни баҳолашда ёрдам бериш зарур. Нидерландияда, солиқ тўловчи компания солиқ хавфи юзага келган тақдирда, маълум вақт ичида ушбу вазиятдан чиқиш бўйича ўз тавсияларини бериш учун солиқ органига мурожаат қилади. Солиқ органи солиқ тўловчининг ушбу мурожаатига жавоб беришга мажбур ҳисобланади. Худди шу каби тизим Буюк Британияда солиқ маъмуриятчилигидан ҳам қўлланилади, бу ерда солиқ тўловчилар бизнесни ташкил этишнинг янги схемаларидан фойдаланишни бошлашдан олдин солиқ ва божхона хизматларига уларнинг тавсифини юборишлари керак.

Япония солиқ маъмуриятчилиги:

қонунга риоя этадиган солиқ тўловчини ҳурмат қилиш;

солиқ тизимининг содда ва қулайлиги;

солиқ тўловчи бўлган ишончининг жазога интилишдан устунлиги таъминланишига таъминлади. Шу сабабли Япония дунёнинг энг арзон солиқ маъмуриятчилиги давлатлари қаторига киради.

Хулоса ва таклифлар

Солиқ маъмуриятчилигининг юқорида қайд этилган ўзароҳамкорлик тартиблардан фаолият юритиш тизимининг афзаллиги солиқ тўловчи учун вазиятнинг шаффофлиги ва қутилмаган солиқ рискларининг йўқлиги билан кафолатланади. Лекин ушбу тартибларнинг камчилиги солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларининг кучайиш хавфи ҳисобланади.

Таdqиқотларимиз Ўзбекистондаги солиқ органларига қўшимча функциялар юклаш амалиётини хорижий мамлакатларда ҳам кўриш мумкинлигини кўрсатмоқда. Масалан, Буюк Британияда солиқ органлари зиммасига давлат кредитларини ундириш ва айрим ижтимоий тўловлар

ажратилишини назорат қилиш юклатилган. Францияда мулкларни кадастр қилиш, Швецияда эса фуқароларни ҳисобга олиш ва қайд этиш вазифалари солиқ органларига топширилган (В.А.Кашин, 2004).

Хорижий мамлакатлар солиқ маъмуриятчилигини ўрганишларимиз натижаларига кўра қуйидаги хулосалар қилиниб, ижобий амалиётни мамлакатимиз солиқ маъмуриятчилигига қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Иқтисодий ривожланиш ва аҳоли даромадлари, турмуш сифатини оширишни мақсад қилган давлатда репрессив солиқ сиёсатидан воз кечиш зарур.

Солиқ органларига ўзига хос бўлмаган функцияларни юклаш амалиётидан воз кечиш мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир давлат солиқ сиёсати ва маъмуриятчилиги тартибларини миллий ривожланиш модели ўзига хос жиҳатларини умум эътироф этилган таъминларга зид бўлмаган ҳолда белгилаш.

Хорижий давлатлар солиқ маъмуриятчилигининг ижобий қуйидаги механизмларидан Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилигида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

солиқ тўловчиларга индивидуал солиқ тўловлари масалалари бўйича маслаҳатлар ва фискал назорат билан боғлиқ ҳақиқий вазиятларни баҳолашда ёрдам бериш зарур;

солиққа тортиш билан шуғулланувчи юристлар, маслаҳатчилар ва бухгалтерларни солиқ органлари томонидан мақсадли ўқитиш тизимини йўлга қўйиш;

солиқ тўловчи доимо ҳақ ва фақат суд ушбу таъминлини ўзгартириши мумкинлигини солиқ қонунчилиги меъёрларига киритиш;

қонунга риоя этадиган солиқ тўловчини ҳурмат қилиш;

солиқ назорати самарадорлиги сифат кўрсаткичи қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси, қўшимча ҳисобланган солиқни ундирилган қисми, қўшимча ҳисобланган ва уни аниқлаш бўйича сарфланган харажатлар нисбати сифатида баҳолашни жорий этиш.

Фикримизча, ривожланган хорижий давлатлар солиқ маъмуриятчилигида кенг қўлланиладиган ушбу амалиётдан мамлакатимизда солиқ муносабатларини тартибга солишда фойдаланиш мамлакатимизни ривожлантириш тараққиёт стратегияси ва солиқ концепциясида белгиланган мақсад ҳамда устувор вазифалар ижроси таъминлашга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Б.И.Исроилов. Солиқ тизими, Ўқув қўлланма, Т.: Иқтисодиёт, 2013 й. 358 б.
2. Б.И.Исроилов. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. - Т.: Ўзбекистон, 2006
3. B.I.Isroilov, B.B.Ibragimov. Issues of using economic analysis in ensuring tax control. // Finance Journal, 2015.
4. Б.И.Исроилов. Усиление ответственности юридических лиц за коррупционные правонарушения. // Известия Исык-Кульского форума бухгалтеров и аудиторов стран Центральной Азии. 2018 г., №2.
5. B.I.Isroilov. Ways of using methods of economic analysis to improve the efficiency of tax control. Journalist's Handbook № 3, 2016 49-52 pp, 2016.
6. Ибрагимов Б.Б. Солиқ маъмуриятчилиги ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти. // Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журналі, 2022, Махсус сон, 93-94 б.
7. Isroilov Bokhodir Ibragimovich, Ibragimov Boburshah Bokhodir ogli; Pardaev Shuhrat Kholikovich; Ibragimov Bekjon Jamol ogli. Economic Security: Threats, Analysis and Conclusions. // International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding <http://ijmmu.comeditor@ijmmu.com>. ISSN 2364-5369, Volume 7, Issue 8, September, 2020. Pages: 64-76.
8. А. В. Демин. Повышение налоговой культуры – важнейший компонент перехода к «партнерской» модели налогового администрирования / А. В. Демин // Материалы VIII Международной научно-практической конференции «Актуальные направления научных исследований: от теории к практике». Том 2. – Чебоксары: ЦНС «Интерактив плюс», 2016. – № 2 (8). – С.271–275.
9. Lee J. Optimal Size and Composition of Government Spending. Journal of the Japanese and International Economies, 1992, vol. 6, no. 4, pp. 423–439.
10. Chen B. Economic Growth with an Optimal Public Spending Composition. Oxford Economic Papers, 2006, no. 58, pp. 123–136.
11. Л.В. Попова, И.А. Дрожжина, Б.Г. Маслов. Налоговые системы зарубежных стран: учебно-методическое пособие / - М.: Дело и Сервис, 2008. - 368 с.
12. OECD (2013) Tax Administration 2013. Comparative Information on OECD and Other Advanced and Emerging Economies. OECD Publishing. URL: http://www.oecd-ilibrary.org/taxation/tax-administration-2013_9789264200814-en.
13. Т.Е.Тотикова. Модернизация систем налогового администрирования в зарубежных странах: анализ основных тенденций. // Изв. Саратов. ун-та. Нов. сер. Сер. Экономика. Управление. Право. 2016. Т. 16, вып. 4. DOI: 10.18500/1994-2540-2016-16-4-445-448.
14. Погорлецкий А.И. Налоговая политика ведущих зарубежных стран: современные аспекты. – [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/n/nalogovaya-politika-veduschih-zarubezhnyh-stran-sovremennye-aspekty-1>.
15. sularu.com/vvp/IRL.
16. Фарикова, Е. А. Анализ опыта налогового контроля в зарубежных странах. «Горизонтальный мониторинг» в РФ как новый вид налоговой проверки. / Е. А. Фарикова, А. Д. Воронцов. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2019. — № 47 (285). — С. 401-404. — URL: <https://moluch.ru/archive/285/64188/> (дата обращения: 07.08.2022).
17. Линовичкий Ю. А. Практика налогового контроля в зарубежных странах // Налоги и налогообложение. 2009. № 11. С. 40–44.
18. В.А.Кашин. Новые явления в налоговом администрировании за рубежом // Финансы. 2004. № 6. С. 71–73.